

Ўзбекистон сертификатланган
молия мутахассислари
ююшмаси (ACFP)



CFS малакаси бўйича қўлланма



Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan

www.acfp.uz

Мундарижа

ACFP малакаси.....	2
Кичик бизнес учун универсал малака.....	2
Халқаро эътироф сари иккинчи қадам	3
CFS кимга ва нима учун керак.....	5
CFS тасдиқлайдиган ваколатлар	7
CFS имтиҳонлари ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари» курси	9
CFS имтиҳонларига кириш шартлари	11
CFS имтиҳонлари қандай ва қаерда ўтказилади	12
Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак	14
Имтиҳонлардан озод қилиш	15
Академик жиҳатдан ҳалоллик.....	16
CFS малакаси белгисидан фойдаланиш.....	17
Кейин нима бўлади.....	18

ACFP малакаси

Ҳар бир бизнес муваффақиятга эришиши учун ходимлар – молиядаги профессионаллар жуда муҳим. Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси (ACFP) билан шундай профессионалга айланинг.

ACFP малака дастури 4 та даражани қамраб олади:

- **A даражаси – AFS** (Associate Finance Specialist – Сертификатланган кичик молия мутахассиси);
- **B даражаси – CFS** (Certified Finance Specialist – Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **C даражаси – CFP** (Certified Finance Professional – Профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси);
- **D даражаси – ACFP** (Advanced Certified Finance Professional – Илғор даражада сертификатланган молия мутахассиси).

Малакани пастроқ даражадаги малакадан юқорироқ даражадаги малакага сари изчили тасдиқлаш лозим.



Сизнинг касб сари йўлингиз: AFS → CFS → CFP → ACFP



Кичик бизнес учун универсал малака

CFS (Certified Finance Specialist – Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси) малакаси Ўзбекистоннинг кичик бизнесига хизмат кўрсатувчи молия мутахассислари учун маҳсус ишлаб чиқилган.

Агар сизда олий молиявий маълумот бўлмаса, CFS – барча молиявий мутахассисликлар асосига киритилган ваколатлар бўйича базавий билимлар, кўникумалар ва қобилиятни тасдиқлаш учун рисоладагидек малака.

CFS малакасини олиш учун 7 та имтиҳон топшириш ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари» курсидан ўтиш лозим. Улар сизнинг:

- ҳисоботларда ташкилотлар ва улар гуруҳларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари ва ҳаражатларининг асосий моддаларини ҳисобга олиш ва акс эттириш;
- бошқарув қарорларини ишлаб чиқишнинг турли босқичларида бошқарув ҳисобининг базавий усуllibарини қўллаш;
- молиявий ҳисобот аудити учун техник кўникумалардан фойдаланиш;
- директорларга/мулқдорларга инвестициявий ва молиявий қарорларни қабул қилишда айланма капиталини бошқаришга кўмаклаш;
- ўз ишингизда бизнесни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий меъёrlарни ҳисобга олиш;
- жисмоний шахслар даромадларига, қўшилган қийматга, жами даромадларга ва фойдага, мол-мулк, ер ва сувга солиқлар солиш лаёқатингизни тасдиқлайди.



CFS малакасини олиш учун барча имтиҳонларга тайёрланиш ва уларни топшириш учун сизга 15 ой ва ундан кўп муддат ва камида 15 млн сўм талаб қилинади. Сиз ўзингизга энг манфаатли сармояни киритасиз: у сизнинг манфаатли ишга жойлашишингиз, мартабада ўсишингиз ва даромадингиз ошиши истиқболини яхшилайди.

ACFPга қўшилинг ва микро ва кичик бизнесда молияни бошқариш учун билим ва амалий кўникумаларга эга бўлинг.




Халқаро эътироф сари иккинчи қадам

CFS малакаси – бу нафақат мустақил малака, балки ACFP ва ACCA малакасининг анча илғор даражаларига тайёрланиш босқичи:

- ACFP томонидан ишлаб чиқилган CFP (Certified Finance Professional) профессионал малакаси;
- «Молия ва бизнесни бошқариш» (ACCA) дипломи, уни олиш учун имтиҳонлар ACFP билан (JES) қўшма схемаси бўйича ўтказилади.

CFS малакаси номзодларни молиявий ҳисобот, бошқарув ҳисоби, аудит, молиявий менежмент, солиқлар ва ҳуқуқни анча чуқур тушуниш ва таҳлил қилишга тайёрлайди. Бу эса – CFP ва ACCA профессионал малакасини олиш учун имтиҳонларни муваффақиятли топшириш учун зарур шарт.

Шу тариқа, CFS нафақат базавий билим ва кўникмалар беради, балки молия ва бизнесни бошқариш соҳасида анча мураккаб дастакларни ўзлаштиришни осонлаштирган ҳолда, сизни профессионал ривожланишнинг кейинги босқичига оҳиста ўтказади. Бу CFS малакасини молия мутахассиси сифатида профессионал ўсишга интигувчи ҳар кимнинг захирасидаги қимматли активга айлантиради.



CFS кимга ва нима учун керак

Кичик бизнесга хизмат кўрсатувчи молия мутахассислари учун

Агар сиз кичик корхоналар билан ишлаётган бўлсангиз, CFS малакаси бухгалтерия ҳисоби дастурларига маълумотларни киритиш ва солиқ маъмуриятчилиги бўйича одатдаги иш доирасидан ташқарида профессионал кўникмаларни анча кенгайтиришни таклиф қиласди. Сиз нафақат мавжуд билимларни мустаҳкамлайсиз ва тизимлаштирасиз, балки молиявий ва бошқарув ҳисоботларини тузиш, аудит, молияни бошқариш, солиқ солиш ва ҳуқуқ бўйича базавий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда, сиз уларни анча чуқурлаштирасиз.

Яқин вақтда сунъий интеллектга асосланган ҳисоб ва солиқ тизимлари иқтисодий ва молиявий ахборотга инсон иштирокисиз ишлов бериши мумкин бўлади. Бозорда ушбу технологияларни ноёб инсон кўникмалари – профессионал мулоҳаза, ахлоқий хулқ ва шахслар ўртасида мулоқот билан тўлдиришга лаёқатли мутахассислар қолади.

CFS малакаси сизга меҳнат бозорида талабгир бўлиб қолиш, ўз рақобатбардошлигингиш ва қадрингизни ошириш, бизнес молиясини бошқаришда сунъий интеллектни қўллаш шароитларида мартабада ўсиш ва касбни ривожлантириш имкониятларини таъминлаш имконини беради.



Ҳисоб участкаси бўйича бухгалтерлар учун

CFS малакаси сизга нафақат ўз ишингиз участкасининг ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуниш, балки бизнес молиясини бошқариш асослари бўйича янги билим ва кўникмаларни эгаллаш имконини беради. Сиз:

- ихтисослаштирилган ишларни сифатли бажаришингиз;
- ҳисобнинг тури участкалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ва ўз ишингизнинг корхонанинг молиявий ҳолати ва фаолиятининг натижаларига таъсирини тушунишингиз;
- ташкилот учун ўз қадрингизни оширган ва мартабада ўсишнинг янги имкониятларини очган ҳолда, тезроқ профессионал ўсишнинг мумкин.

Кичик бизнес раҳбарлари ва мулқдорлари учун

Сиз CFS малакаси билан қуидаги афзаликкларга эга бўлган ҳолда, бизнесингиз молиясини самаралироқ бошқаришингиз мумкин:

- сиз молиявий ҳисоботлар ва бюджетларни таҳлил қилиш, пул оқимлари ҳаракатини бошқариш, молиявий хатарлар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, асосланган инвестициявий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини эгаллайсиз;
- сиз фирибгарлик хатарини минималлаштириш, компаниянинг молиявий хафсизлигини ошириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган самарали ички назорат тартиб-таомилларини ишлаб чиқишингиз ва жорий этишингиз мумкин;
- сиз бухгалтерлар ва молия маслаҳатчиларининг таклифларини яхши тушунган, тўғри саволлар берган ва ҳисоботларни талаб қилган ҳолда, улар билан анча самарали мулоқот қилишингиз мумкин;
- инвесторлар, кредит ташкилотлари ва бизнес-ҳамкорлар томонидан бизнесингизга ишонч ошади. Бу молиялаштиришни жалб қилиш ва бизнесни кенгайтириш жараёнини соддалаштириши мумкин.

Иқтисодий ва молиявий мутахассисликлар талабалари учун

CFS сизга академик таълимни тўлдирадиган бетакрор афзаликкларни таклиф қилади:

- назарий билимларни қўллашга ўргатадиган туркумлаштирилган дастур туфайли амалий кўникмаларни эгаллаш. Бу реал бизнес вазиятларини тушуниш ва асосланган қарорларни қабул қилиш лаёқати жуда муҳим бўлган бизнес молиясини бошқаришда айниқса қадрлидир;
- ўзини ўзи таомиллаштириш ва профессионал ташаббусга интилишингизни намойиш қилган ҳолда, шунга ўхшаш малакага эга бўлмаган бошқа талабалар ўртасида ажралиб туриш имконияти;
- бу профессионал даражадаги малакани олиш учун анча мураккаб имтиҳонлар томон қадам.



CFS тасдиқлайдиган ваколатлар



CFS малакаси кичик бизнесда молия мутахассиси сифатида ишлаш учун зарур ваколатларни 8 та фан бўйича тасдиқлайди:

Молиявий ҳисоб ва ҳисобот	Бошқарув ҳисоби
Компаниянинг асосий операцияларини ҳисобга олиш Молиявий ҳисоботни тайёрлаш жараёни Тўлиқ бўлмаган ёзувлардан молиявий ҳисоботни тикаш Компаниялар гурӯҳи учун ҳисоботни тайёрлаш тамойиллари Молиявий ҳисоботнинг базавий таҳлили Базавий математика кўникмалари	Бошқарув ҳисоби учун иқтисодий статистика ва макроиктисодиёт Харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни баҳолаш усуллари Захираларни бошқариш Қисқа муддатли қарорлар қабул қилиш Бюджетлаштириш Оғишлиар таҳлили Алоҳида бўлинмалар фаолияти натижаларини баҳолаш Базавий математика кўникмалари
Молияни бошқариш	Аудит ва ишонч
Ташилотнинг мақсадларига эришиш контекстида молияни бошқариш Молияни бошқаришнинг макроиктисодий контексти Молияни бошқаришнинг математика асослари Инвестициявий қарорларни қабул қилиш асослари Молиялаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш асослари Айланма капиталини бошқариш асослари	Аудиторлик хизматлари турлари ва аудитни тартибга солиш Аудиторнинг профессионал ахлоқи асослари Аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг мустақиллиги асослари Аудитор ва корпоратив бошқарув учун жавоб берадиган шахслар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қисмида корпоратив бошқарув асослари Аудитнинг мақсадлари ва аудиторликка оид далилларни йиғиш асослари Аудиторлик хавфи асослари Мижозни ички назорат қилиш тизими асослари
Ҳуқуқ	Солиқлар ва солиқ солиш
Ҳуқуқ тизими элеменлари Фуқаролик ва солиқ қонунчилигида шахслар Мулк Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари Мажбурият ҳуқуқи Компанияни молиялаштириш ва дивиденклар	Ўзбекистоннинг солиқ солиш тизими Ўзбекистоннинг солиқ маъмуриятчилиги тизими Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи Ижтимоий солиқ Айланмадан олинадиган солиқ Қўшилган қиймат солиғи Фойда солиғи

Ташкилотда мөхнатга оид муносабатлар Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиклаш	Юридик шахсларнинг мол-мұлкіга солинадиган солиқ Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи Сув ресурсларидан фойдаланганлық учун солиқ
Ташкилот ва унинг фаолияти	Ахлоқ ва профессионал хұлқ
Ташкилот ва манфаатдор томонлар Ташқи мүхит ва унинг ташкилот фаолиятига тәссири Тижорат ташкилоти, түзилмаси, функциялари, бошқариш Ташкилотнинг фаолиятида бухгалтерия ва молия Назорат, хавфсизлик ва аудит Ходимларнинг ташкилот фаолиятидаги роли Ташкилот фаолиятида ахлоқи масалалар	Ахлоқи хұлқнинг фундаментал тамойиллари Профессионал ташкилотлар ва регуляторнинг молиявий касбларда ахлоқи профессионал стандарттарни тарғиб қилишдеги роли Корпоратив ахлоқ кодексларининг афзаликкәрі Ахлоқи низолар ва таҳдиidlар, ахлоқи дилеммалар ва таҳдиidlарға қарши әхтиёт өзарлары Молиячиларнинг ҳамкасблари, раҳбарият, контрагентлар билан муваффақияттағы үзаро ҳамкорлігі учун самарағы мулодот Мақсадларни қўйиш, режалаштириш, ўзини ўзи ташкиллаштириш / ўзини ўзи таҳлил қилиш ва мансабда ўсишни бошқариш

7 та имтиҳонда ва битта курсда ушбу ваколатларни тасдиқлаган ҳолда, сиз қўйидаги лавозимларда ишлашингиз мүмкин:



CFS ИМТИҲОНЛАРИ ВА «АХЛОҚ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ХУЛҚ АСОСЛАРИ» КУРСИ

CFS малакасини олиш учун сиз 7 та имтиҳон топширишингиз ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари» курсидан ўтишингиз лозим. Имтиҳонлар номи ва уларнинг мақсадлари жадвалда тақдим этилган:

B.FR Молиявий ҳисоб ва ҳисбот асослари	B.MA Бошқарув ҳисоби асослари
Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан номолиявий секторнинг алоҳида ташкилотлари ва ташкилотлар гурӯҳлари активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари ва харажатларининг асосий моддаларини ҳисобга олиш ва ҳисботда акс эттиришга оид билим ва кўникмаларини тасдиқлаш.	Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан дастлабки ҳисоб маълумотларини олишдан бошлаб фаолият натижаларини баҳолаш ва бундай циклнинг турли босқичларида қўлланиладиган базавий ўсулларни ўзлаштиришгача бўлган бошқарув ҳисобининг иш циклини тушунишни тасдиқлаш.
B.FM Молияни бошқариш асослари	B.AU Аудит ва ишончни таъминлайдиган топшириқлар асослари
Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан номолиявий секторнинг алоҳида ташкилотлари молиясини бошқаришда айланма капиталини бошқариш ўсулларини қўллаш, шунингдек инвестициявий ва молиявий қарорлар қабул қилиш кўникмаларини тасдиқлаш.	Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан молиявий ахборотга нисбатан ишончни таъминлайдиган топшириқлар тўғрисида базавий билимларни тасдиқлаш: – аудит ва ишончни таъминлайдиган бошқа топшириқларнинг моҳиятини белгилаш; – топшириқларни бажариш босқичлари ва уларни бажариш учун ахборот йиғиш жараёнини белгилаш; – агентлар ўзаро муносабатлари ва профессионал ахлоқ асослари контекстини тушуниш.
Хуқуқ	Солиқлар ва солиқ солиш
Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий муҳитини тўлиқ тушунишни тасдиқлаш.	Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан: – Ўзбекистонда солиқ солиш ва солиқлар маъмуриятчилигининг умумий қоидаларини тушуниш; – – жисмоний шахслар даромадларига, қўшилган қийматга, жами даромадлар ва фойдага, шунингдек мол-мулк, ер ва сувга солиқ солиш кўникмаларини тасдиқлаш.

Ташкилот ва унинг фаолияти	Ахлоқ ва профессионал ҳулқ
<p>Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – ташкилотларни ташкил этиш сабаблари ва мақсадлари, уларнинг фаолият кўрсатиши шартлари; – бошқарув тузилмалари ва тамойиллари; – ташкилот фаолияти учун жуда мухим ҳисобланадиган омиллар тўғрисида билимларни тасдиқлаш. 	<p>Имтиҳоннинг мақсади – талабгорлар томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – реал иш вазиятларида ахлоқ ва профессионал ҳулқ тамойилларини қўллашни тушунишни; – иш мақсадларига эришиш учун ахлоқий баҳолаш кўникмаларини; – молиячиларнинг ҳамкасблари, раҳбарият, контрагентлар билан муваффақиятли ўзаро ҳамкорлиги учун муроқот кўникмаларини; – мақсадларни қўйиш, режалаштириш, ўзини ўзи ташкиллаштириш / ўзини ўзи таҳлил қилиш ва мансабда ўсишни бошқариш кўникмаларини шакллантириш.



Certified
Finance
Specialist

CFS имтиҳонларига кириш шартлари

CFS малакасини олиш учун имтиҳонлар топшириш ҳуқуқига эга бўлиш учун, сиз:

а) AFS малакасини олишингиз, ёки

компьютерда 4 та онлайн-имтиҳон топширишингиз керак: А.МТ
Молиячи учун математика асослари, А.FR Молиявий ҳисобга
кириш, А.МА Бошқарув ҳисобига кириш ва А.XL Молиячи учун Excel
асослари.



Эътибор беринг!

Сиз ҳисоб ва солиқлар бўйича ресурс марказида олдиндан бепул курслардан ўтган ҳолда, ушбу имтиҳонларни исталган вақтда ва исталган жойда **бепул топширишингиз мумкин**.

Барча ушбу курсларда ўқиш шарт эмас, фақат сизга талаб қилинганини танланг. Шу боис аввал ҳар бир курс бўйича ўз билимингизни текширинг ва қайсиларидан ўтиш кераклигини аниқланг. Ўзини ўзи баҳолашдан acfp.uz сайтидаги «Ягона имтиҳон» саҳифасида ўтиш мумкин.

Бу ерда имтиҳонларга киришга рухсат олиш мумкин;

б) ACFP талабасига – CFS малакаси учун талабгорга айланишингиз керак acfp.uz сайтида «Аъзолик» бўлимида ACFP талабаси сифатида рўйхатдан ўтинг. Рўйхатдан ўтгунга қадар ACFP устави, Ахлоқ ва профессионал хулқ кодекси ва ACFPда иштирок этиш тўғрисида низом билан танишиб чиқинг ва ҳар йилги аъзолик бадалини тўланг – 1 БҲМ.

CFS имтиҳонлари қандай ва қаерда ўтказилади

Барча CFS имтиҳонлари имтиҳон марказларида компьютерларда ўтказилади. Имтиҳон саволларининг иккита туридан фойдаланилади:

- тестлар шаклида биргина саволлар. Сиз берилган варианлардан битта/бир нечта жавобларни танлашингиз ёки бўш жойни тўлдиришингиз керак бўлади. Жавоблар автоматик тарзда текширилади;
- битта вазият асосида бир нечта саволлар. Жавоблар, худди биргина саволлар каби, автоматик тарзда баҳоланади

Имтиҳоннинг давомийлиги – 2 соату 15 дақиқа. B.LW ва B.TX имтиҳонларидан ташқари барча имтиҳонлар «ёпиқ китоб» билан ўтказилади – ҳар қандай материалдан фойдаланиш тақиқланган. B.LW ва B.TX имтиҳонларida сиз Ўзбекистоннинг қонунчилигидан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.

Сиз имтиҳон натижалари ҳақида у ўтказилган санадан бошлаб 10 иш куни ичидаги acfr.uz сайтидаги шахсий кабинетда билиб оласиз.

Имтиҳонлар: 2024 йилда – декабрь ойида, 2025 йилда – июнь ва декабрь ойларида ўтказилади. Имтиҳонга у ўтказилишидан 15–90 календарь кун олдин рўйхатдан ўтиш мумкин (стандарт рўйхатдан ўтиш). Стандарт рўйхатдан ўтиш қиймати – 1 МҲЭКМ.

Агар сиз стандарт муддатларда рўйхатдан ўтишга улгурмаган бўлсангиз, буни имтиҳондан 7-14 календарь кун олдин амалга ошириш мумкин (кечроқ рўйхатдан ўтиш). Кечроқ рўйхатдан ўтиш қиймати – 1,5 МҲЭКМ.



Имтиҳонларнинг асосий хусусиятлари жадвалда келтирилади:

Номи	имтиҳоннинг таърифи	Ўтиш/энг юқори балл	Давомийлиги	Қиймати
B.FR	ёпиқ китоб билан 35 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий 15 баллдан	50 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
B.MA	ёпиқ китоб билан 35 та тест 2 баллдан + 3 та сценарий 10 баллдан	50 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш

				1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
Номи	Имтиҳоннинг таърифи	Ўтиш/ энг юқори балл	Давомийлиги	Қиймати
B.OO	ёпиқ китоб билан 36 та тест 2 баллдан + 7 та сценарий 4 баллдан	50 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
B.FM	ёпиқ китоб билан 35 та тест 2 баллдан + 3 та сценарий 10 баллдан	50 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
B.AU	ёпиқ китоб билан 35 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий 15 баллдан	50 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
B.LW	очиқ китоб билан 50 та тест 2 баллдан	60 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш
B.TX	очиқ китоб билан 35 та тест 2 баллдан + 2 та сценарий 15 баллдан	60 %	2 соату 15 дақиқа	1 МҲЭКМ – стандарт рўйхатдан ўтиш 1,5 МҲЭКМ – кечроқ рўйхатдан ўтиш

Имтиҳонларда маҳсус дастурий таъминот ва ускунадан фойдаланилади, улар:

- малака талабгорининг шахсини тасдиқлаш;
- тақиқланган материаллар, телефонлар, мини-камералар ва бошқа гаджетларни қўллашни истисно қилиш;
- «соғ» натижаларни кафолатлаш имконини беради.

Имтиҳон марказлари Тошкент шаҳрида ва ҳудудларда жойлашган.

7 та имтиҳонни мұваффақиятли топширгандан ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари» курсидан үтгандан сүнг, сиз acfp.uz сайтидаги шахсий кабинетда имтиҳон үтказылған санадан бошлаб 10 иш куни ичида CFS дипломини оласиз.



Certified
Finance
Specialist



Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак

Имтиҳонларга тайёрланишни танланғ:

- ❖ масофадан үқитиши платформасида – ёзіб олинған видеомаърузалар, үқув құлланмалари, мустақил тайёрланиш учун тестлар асосида мустақил равищда;
- ❖ үқитувчилар/үқув марказлари ёрдамида – қатнаб ёки масофадан туриб;
- ❖ ушбу шаклларни құшиб бирға олиб бориш.

Танланған тағтим олиш усулидан қатын назар имтиҳонларга тайёрланиш учун фойдали ресурслардан – үқув-услубий құлланмалар ва жавоблардан тажриба имтиҳон ишларидан фойдаланинг. Сиз уларни acfp.uz сайтида топасиз

Битта CFS имтиҳонини топширишга тайёрланиш давомийлиги сизнинг бошланғыч билимларингиз ва үқишиңде бағишилған вақтга боғлиқ бўлади. Хусусан, агар сиз үқишиңде ҳафтасига камида 10–12 соат ажратсангиз, битта имтиҳонга тайёрланишга 2 ой ва ундан кўп вақт сарфланади.



Имтиҳонлардан озод қилиш

Агар сизда қўйидагилар мавжуд бўлса, сизни имтиҳонларни топширишдан озод қилишлари ва уларни топширилган деб ҳисобга олишлари мумкин:

- CFS дастурига кирадиган ваколатлар соҳалари бўйича ACCA сертификатлари;
- бухгалтерия ҳисоби/аудит бўйича бакалавр/магистр дипломи (B.LW ва B.TX имтиҳонларидан ташқари).

Эътибор беринг!

Биз сиз фақаттинга ОТМ дипломини яқинда олган бўлсангиз ва сизга ҳисобга олишлари учун уларни топширишга лаёқатли бўлсангиз, базавий даражадаги имтиҳонлардан озод қилишларини сўраб ариза беришингизни тавсия қиласиз.

Акс ҳолда юқорироқ профессионал даражадаги имтиҳонларни топшириш мураккаб бўлади ва сиз CFS дастурлари бўйича ўқишдан ўтишингизга тўғри келади.





Академик жиҳатдан ҳалоллик

ACFP имтиҳонларига тайёрланиш ва уларни топшириш вақтида сиздан академик жиҳатдан ҳалоллик ва фирибгарликка муросасизликнинг энг юқори стандартларига риоя қилишингиз кутилади.

Имтиҳонларда академик жиҳатдан ҳалоллик, фирибгарликни олдини олиш ва аниқлаш қўйидагиларни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга:

- талабгорлар билимлари, қобилияти ва кўнижмаларини адолатли баҳолашни;
- иш берувчилар, мижозлар ва жамият томонидан ACFP малакасига ишончни.

Фирибгарлик – талабгорга имтиҳон натижаларини баҳолашда адолатсиз устунлик берадиган инсофисизлик ёки рухсатсиз ёрдам беришнинг ҳар қандай шакли аниқланганда – айбдор шахс:

- агар фирибгарлик ҳолати биринчи марта аниқланган бўлса, имтиҳонлардан бир йилга четлатилади;
- агар фирибгарлик ҳолати такroran аниқланган бўлса, ACFP малакасини олиш имкониятидан умрбод четлатилиб, батамом қора рўйхатга киритилади.

ACFP имтиҳонларида фирибгарликни олдини олиш сиёсати билан сиз бу ерда батафсили танишишингиз мумкин.



CFS малака белгисидан фойдаланиш



Имзоингиздаги CFS базавий малака белгиси сизнинг профессионал даражангиз ва тажрибангизни намойиш қилади. Бу иш берувчиларга ва ҳамкасларга сиз қанчалик малакали ва қадрли мутахассис эканлигиниз ҳақида тушунча беради. Сиз фақатгина дипломни олгандан сўнг, резюмеда, ташриф қоғозида, материалларда ва бошқаларда фаҳр билан ўз малакангизни кўрсатган ҳолда, CFS белгисидан фойдаланишингиз мумкин.

Эътибор беринг!

Сиз 7 та имтиҳонни топширмагунга ва «Ахлоқ ва профессионал хулқ асослари» курсидан ўтмагунга қадар имзода CFSнинг қисқартмасидан фойдаланишга ҳақли эмассиз. У зарур билим, қобилият ва қўникмаларни намойиш қилган ҳолда малака тўғрисида диплом олганлар учун имтиёз ҳисобланади.



Кейин нима бўлади

CFS малакасини олгандан сўнг, сиз қўйидаги ҳуқуқга эга бўласиз:

- «Талаба»дан «Аъзоликка номзод»гача ACFPда ўз иштирокингиз даражасини ошириш;
- «Молия ва бизнесни бошқариш» халқаро дипломи ва CFP (Certified Finance Professional – профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси) малакасини олиш учун ACFP ва ACCA томонидан қўшма схема (JES) бўйича ўтказиладиган профессионал даражадаги имтиҳонларга кириш.

7 та имтиҳон
топширамиз,
1 та курсдан
ўтамиз

CFS малакасини
оламиз

Талабадан Аъзоликка
номзодгача ACFPда
иштирок этиш
даражасини
oshiramiz

ACCA дипломи ва
CFP малакасини
олиш учун JES
имтиҳонларига
кириш ҳуқуқига эга
бўламиз



Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan



Association of
Certified Finance
Professionals
of Uzbekistan